




XASR



IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 16-IYUN, PAYSHANBA, 24 (656)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



МУНОСАБАТ



Солих ЗОИР олган суратлар

O'zLiDeP: ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда O'zLiDePнинг Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқувчи долзарб вазифалар, шунингдек, истиқлолимизнинг чорак асрлик тўйига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ партиявий йўналишлар атрофида муҳокама қилинди.

Президентимиз раҳнаомлигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, "ўзбек модели"нинг қисқа муддатда республикамизни юксалиш босқичига олиб чиққани, ҳатто ривожланаётган давлатлар даражасига етишга интилаётганимиз халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас, – деди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Содиқжон ТУРДИЕВ. – Айнан мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ана шундай юксак муваффақиятларга эришти. Тўғри, 25 йил тарих саҳифасида жуда қисқа муддат бўлса-да, лекин бизнинг мамлакатимиз учун ниҳоятда қадри, таъбир жоиз бўлса, асрларга татигулик воқеаларга бой бўлди. Ўзбекис-

тонимизнинг сиёсий доиралардаги фаоллиги, иқтисодий салоҳияти кун сайин ортиб бораётгани, охириги йилларда ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, халқимизнинг ҳаётининг даражаси ва сифати изчил ошаётганига бутун жаҳон гувоҳ бўлмоқда. Мажлисида таъкидланганидек, Ўзбекистон барқарор суръатлар билан ривожланиб, тўлиқ ўз кучи ва салоҳиятига таянган, муваффақиятини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Ҳар қадамда халқимизнинг буюк яратувчанлик салоҳияти, мамлакатимизнинг иқтисодий ва интеллектуал қудрати, шахар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси тез суръатларда ўзгараётгани ана шу ислохотларимиз самарасидир.

мол товарлари, аввало, бугдой, картошка, гўшт, суг ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан таъминланган бўлса, ҳозирда бу маҳсулотларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини янгилаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларнинг муваффақиятини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Ҳар қадамда халқимизнинг буюк яратувчанлик салоҳияти, мамлакатимизнинг иқтисодий ва интеллектуал қудрати, шахар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси тез суръатларда ўзгараётгани ана шу ислохотларимиз самарасидир.



"ЖИЯН" ҚОВУНЛАРИ – ЭКСПОРТГА

Қашқадарёлик фермерлар нафақат пахта ва ғалла, балки полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг ҳам ҳадисини олишган. Бундан бир неча йил муқаддам қосонлик миришкорлар саъй-ҳаракати билан "жиян" навли шираси тилёрар қовун етиштирилган ва уни хорижга экспорт қилиш бошлаб юборилган эди. Фермер Илҳом Эгамовнинг таъкидлашича, қовунчилик бошқа тармоқларга нисбатан анча сердаромад ҳисобланади. Бу йил ҳам у 25 гектар майдондаги полиз экинларидан мўмай даромад олишни режалаштирган.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

ли ютқларда уларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Айни пайтда эртапишар ҳандалаклар юрдошларимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда. Даромаднинг ўзига хос бурмадини эса "жиян" қовунлари экспортдан кутаямиз. 31 гектар майдонда қовун уруги экиб, уни меҳр билан парвариш қилдик. Айни кунда ҳосил гарқ пишган. Уни пешма-пеш узиб, махсус қозғоқ кўтилар орқали дуненинг ўндан ортиқ мамлакатларига экспорт қилаяпмиз. Экспорт қилиш учун қовуннинг оғирлиги 3 килограммдан ошмаслиги керак. Шу мақсадда яхши пишган, сершира қовунлар сараланмоқда.

Воҳада полиз маҳсулотлари экспорти билан асосан тумандаги "Олтин воҳа агро инвест" масъулияти чекланган жамияти шугулланади. Йил бошида 3 та фермер хўжалиги билан шартнома имзоланиб, 86 гектар майдонга "жиян" навли қовун уруғлари экилган эди. Мана, ҳосил нишона бериб турибди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, бу йил хорижлик ҳамкорлар билан 1000 тонна қовун етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Демакки, "жиян" қовунлари хорижликлар дастурхонини безайдиган қулар узоқ эмас.



ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИДА

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ – РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИДА

Тинч-осойишта юртга байрамлар ярашади. Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги нишонландиган муборак кунлар арафасида, тарих саҳифасида қисқа, лекин бизнинг мамлакатимиз учун асрларга татигулик оламшумул ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликларга бой кечган чорак асрлик муддат ичида сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда, шу жумладан халқаро майдонда эришилган улкан муваффақиятлар, юксалиш босқичлари таҳлил этилмоқда.

Бу қутлуғ сана Президентимиз раҳнаомлигида озод ва обод юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самарасини, шу жумладан, олдимизда турган олий мақсад – энг тараққи топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда

муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бо-

раётган фермерларнинг яқин кўмакчиси бўлиш билан бирга, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқда.



Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартда қабул қилган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Қорақалпоғистон Республикасида ҳам муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ташкил этилди.

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТДИ

– Президентимиз раҳнаомлигида маҳалла институтининг мавқеини янада юксалтириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви масъул котиби Мақсуд Палимбетов. – Сайлов жараёни минтақадаги 15 шаҳарча, 141 овул ва 246 маҳалла фуқаролар йиғинларининг 298 тасида очик, 104 тасида ёпиқ усулда ўт-

казилди. Уларда 25 минг 335 нафар вакиллар иштирок этди. Сайловларда ишчи гуруҳлари томонидан фуқаролар йиғини раиси лавозимига ташаббускор, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга 1 минг 324 номзод тавсия этилди. Сайланган 402 фуқаролар йиғини раисининг 23 таси аёллар бўлса, 271 раис биринчи марта сайланди. Сайловда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича фуқаролар йиғинлари раисларининг 4 минг 160 маслаҳатчиси сайланди. Уларнинг 894 таси аёллар, 2 минг 564 таси би-

ринчи марта сайланган фуқаролардир.

Ташаббускор, эл-юрт манфаати учун жонкуяр, ўзгаларни ортидан эргаштиришга қодир номзодларнинг маҳалла раислиги ва маслаҳатчиси лавозимларига сайланиши жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш самардорлигини оширишга хизмат қилди.

А.ОРТИҚБОЕВ, Ўза мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумоти бўлиб, 2016 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ушбу хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумоти асосида қийматда ёшиқ сатиб олиш мажбуриятини олмайди.

| | | | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------|--------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 2164,7 | 1 АКШ доллари | 2933,99 | 1 Хитой юани | 445,68 | 1 Польша злотийси | 754,37 | 1 ЕВРО | 3328,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4161,57 | 1 Миср фунти | 330,41 | 1 Россия рубли | 45,34 | 1 СДР | 4141,0 | 10 Жанубий Корея вони | 25,03 |
| 1 Дания кронаси | 443,86 | 1 Исландия кронаси | 23,78 | 1 Украина гривнаси | 117,29 | 1 Туркия лираси | 1001,05 | 10 Япония йениси | 276,77 |
| 1 БАА дирҳами | 798,8 | 1 Канада доллари | 2291,64 | 1 Малайзия ринггити | 716,66 | 1 Швейцария франки | 3043,56 | | |

O'zLiDeP: ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

С.Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Алоҳида таъкидлаш жоизки, O'zLiDeP депутатлик корпуси яқинлашиб келаётган санага босиб ўтган йўлимизга ҳолисона баҳо бериш, партия электорати ўртасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларнинг ёрқин натижаларини ёритиш, сайловчилар билан янада фаол ишлаш, олдимида кўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасида партиямиз олдида турган вазибаларни белгилаб олиш учун имконият сифатида қарайди.

Шу муносабат билан мажлисда партия электорати ва фаолларига давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини босқичма-босқич қисқартириш, Конституцияда мустақамлаб кўйилган хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантириш борасидаги O'zLiDeP позициясини тушунтиришга йўналтирилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. O'zLiDePнинг қишлоқ хўжалигига тўдан янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, уни қишлоқ тараққийдаги ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айлантиришга доир жараёнларга нисбатан ёндашуви ҳам тушунтириш ишларининг марказий мавзуларидан бири бўлади.

Муҳокама якунида давлатимиз раҳбари то-



монидан имзоланган мажбурий қарорда "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужжасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларининг чора-тадбирлар режаси тасдиқлаб олинди. O'zLiDeP ҳудудий кенгашларига аҳолининг кенг қатламлари ва электорат иштирокида Мустақиллик кунига бағишланган партиявий тадбирларни ўтказиш белгиланди. Амалга оширилаётган ишлар миқёсини кенгайтириш мақсадида партия фаолларидан иборат махсус гуруҳлар тўзилиди.

Қўшма йиғилишда "Биз – кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати

вакиллари – Ватан тараққийи, халқ оқолини ва фаровонлиги учун масъулмиз" мавзуда тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми каби партиявий лойиҳаларни амалга ошириш ишларини янада фаоллаштириш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, O'zLiDeP "Ёшлар" ва "Аёллар қаноти" томонидан "Мустақилликка менинг хиссам" шiori остида ёшлар форуми, "Ишбилармон талаба" ва "Ишбилармон аёл" каби партиявий лойиҳалари доирасида семинарлар ўтказилиши белгилан олинди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари Виктор Пак, Дилором Файзиева, Зафар Ханьязов, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари Дилшод Шоумаров, Мухлиса Акрамова ва бошқалар сўзга чиқиб, истиқлолимизнинг 25 йиллигига арафасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалалар хусусида ўз муносабатини билдириб, ушбу қарор барчамиз учун дастурий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидлашди.

Мажлис якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP Матбуот хизмати

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда замонавий молиявий хизматлардан бири ҳисобланган аудиторлик фаолиятининг изчил ташкил этилганлиги ва у тизимли ривожланаётганлиги хўжалик юритувчи субъектлар, аввало акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Муродулла ТУРСУНОВ,

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ортимизда аудиторлик фаолиятининг қонунчилик базаси яратилган бўлиб, вилоят асосини 2000 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун, аудиторлик фаолиятининг 21 та Миллий стандартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳадаги қонунчиликни янада мукамал бўлишини таъминлашда муҳим туртки бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу фармон асосида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мос ташкил этиш, уни янада такомиллаштириш – бугунги куннинг долзарб вазиғиси ҳисобланади.

Шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фармон талаблари ижросини таъминлаш мақсадида замонавий молиявий хизматлардан бири ҳисобланган аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қай даражада риоя этилаётганлиги ҳолати Фарғона вилояти мисолида ўрганилиб, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг шу масалага бағишланган йиғилишида мазкур ўрганиш якунлари адлия, молия органлари ва Давлат рақобат қўмитаси, банклар, мутахассислар

ва экспертлар иштирокида муҳокама этилди. Қайд этилишича, вилоятдаги аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари, акциядорлик жамиятларида ўтказилаётган текширувлар "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида ўтказилмоқда.

Фарғона вилоятидаги барча аудиторлик ташкилотлари ўз устав фондидан қонун талабларига биноан шакллантирилган, давлат рўйхатидан ўтиб, махсус лицензияга ва тегишли сурғурта полисига эга бўлган ҳолда фаолият юритмоқда. Биргина 2015 йилда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотларда 252 та, хўжалик юритувчи субъектлар ташаббуси асосида 237 та аудиторлик текшируви ўтказилган. Шунингдек, 173 та объектада профессионал хизматлар амалга оширилган, кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати салкам 2 млрд. сўмини ташкил этган.

Аудиторлик текширувлари ўзаро тарафлар ўртасида тузилган шартномалар асосида ҳамда малака сертификатига эга бўлган аудиторлар томонидан мустақил, ҳолислик, профессионал малака ва махфийлик принциплари асосида, текширув ўтказишдаги чекловларга амал қилган ҳолда олиб борилган. Аини пайтда аудитор-

лик текширувлари бўйича ҳисоботлар ва ҳулосаларнинг Миллий стандартлар асосида тузилаётганлиги қайд этилган.

Шу билан бир қаторда йиғилишда қонунни амалга оширишда айрим муаммолар юзга келаятганлиги ҳам қайд этилди. Жумладан, қонуннинг 5-моддасида аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини шартнома асосида амалга ошириши назарда тутилган бўлса-да, айрим ҳолларда шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги натижасида дебитор қарздорлик вужудга келганлиги, мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан қонуннинг 10-моддасига биноан тўла қамраб олинмаётганлиги, шунингдек, аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самардорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқишга етарли эътибор қаратилмаётганлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида депутатлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил ишлари натижаларидан келиб чиқиб, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Миллий стандартларни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ФАХРУ ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Бугун дунёнинг қайси бир бурчагида Ўзбекистон ҳақида ҳолисона, самимий сўз айтилса, шу ондаёқ қалбимизни фахру ифтихор туйғуси чулғайди. Негаки, биз шу озод ва обод ўлканинг фарзандимиз-да. Президентимиз таъбири билан айтганда: **"Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда тугилади. Яъни, инсон ўзлагини англагани, наса-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади"**. Зеро, она юртни чин юракдан севиш Ватан манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ, муштаракдир.

Дарҳақиқат, O'zLiDePнинг бош мақсадларидан бири ҳам айнан ўсиб келаётган ёш авлод қалбидан энг олий туйғу – Ватанга муҳаббат, тугилиб ўсган тупроқдан фардларни шакллантириш, юрт равнақи йўлида камарбаста бўлишга даъват этишдир.

Хизмат тақозоси туфайли ёшлар билан учрашамиз, уларнинг орзу-истаклари, интилишларидан бохабар бўлишга, имкон қадар йўл-йўриқ, маслаҳатлар беришга тўғри келади. Уларни юртимизга садоқатли фарзандлар, маънавий баркамол бўлиб улғайишлари учун тарғибот-ташвиқот тадбирларимизда Ўзбекистон тарихини биллишга, уни ўрганишга чорлаймиз. Негаки, тарихни билиш ўзликни англаш, демакдир.

Шу маънода Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан белгиланган долзарб вази-

фалар барчамизга алоҳида масъулият юклайди. "Мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустақамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодий-технологик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш" деган жумлаларни ўқирканман, ҳазрат Навоий бобомиз яратган Фарход сиймосининг бугунги кундаги издошлари – замонамиз бунёдкорлари – қурувчиларга тасаннолар айтгани келади. Бир сўз билан ифода қиладиган бўлсам, улар томонидан барпо этилаётган ер усти ва ер ости йўлларию, мустақам кўприклар, гўзал ва шинам бино-иншоотлар, хуллас, инсон кўзларини

хайратга солиши мумкин бўлган барча хайрли ишлар асрларга таптулик десам, янглишмайман. Яқинда ажойиб хушхабар тарқалди: 27 май кунини эъланлаштирилган Ангрен-Поп участкасида синов режимида илк поезд олиб ўтилади, дея хабар қилди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ахборот хизмати. Аср қурилиши, десак арзийдиган бу улкан иншоот яқин кунларда ниҳоятга етиб, водий билан пойтахт ўртасида афсонавий боғлиқни ривожлантириш ҳаракатида.

Бутун вилоятимиз маркази Гулистон шаҳрига келган киши гўё улкан қурилиш майдонига тушиб қолгандек сезади ўзини. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган кўп қаватли бинолар, кенг ва раво кўчалар, дам олиш масканлари, қўйинки, барчаси халқимизнинг ойдан келажати, бахтли ҳаёти учундир.

Мана шундай улкан бунёдкорлик ишлари бўлаётган, мустақиллигимизни янада мустақамлаш, унинг чорак асрлик қўлтуғи тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ҳар бир ватандошимиз беихтиёр: "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деяётган бўлса не ажаб.

Дилшод ТўРАКУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

хайратга солиши мумкин бўлган барча хайрли ишлар асрларга таптулик десам, янглишмайман. Яқинда ажойиб хушхабар тарқалди: 27 май кунини эъланлаштирилган Ангрен-Поп участкасида синов режимида илк поезд олиб ўтилади, дея хабар қилди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ахборот хизмати. Аср қурилиши, десак арзийдиган бу улкан иншоот яқин кунларда ниҳоятга етиб, водий билан пойтахт ўртасида афсонавий боғлиқни ривожлантириш ҳаракатида.

Бутун вилоятимиз маркази Гулистон шаҳрига келган киши гўё улкан қурилиш майдонига тушиб қолгандек сезади ўзини. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган кўп қаватли бинолар, кенг ва раво кўчалар, дам олиш масканлари, қўйинки, барчаси халқимизнинг ойдан келажати, бахтли ҳаёти учундир.

Мана шундай улкан бунёдкорлик ишлари бўлаётган, мустақиллигимизни янада мустақамлаш, унинг чорак асрлик қўлтуғи тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ҳар бир ватандошимиз беихтиёр: "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деяётган бўлса не ажаб.

Дилшод ТўРАКУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

мамлакатимизда обод турмуш шароитини яратиш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий бири қисми бўлиб, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти, иқтисодий-технологик кудратининг амалий ифодасидир. Бу тураржойлар ободлигининг чинакам тimsоли сифатида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, оила-қилинадиган ишлар ниҳоятда катта. Иқтисодий-технологик аҳолининг мулкчилик шакллари ва иқтисодий секторлари бўйича тақсимланшини ўрганиш республикада иқтисодийнинг нодавлат секторидан банд бўлганлар сони ҳам улуши ҳам қўпайиб, ўз навбатида давлат секторидан ишлаётганларнинг сони ҳам улуши ҳам пасайиб борганлигини кўрсатиб турибди. Хусусий секторнинг ривожланиши ва кенгайиши истиқболда ҳам аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда асосий омил бўлиб қолади.

Халқимиз онги ва тафаккурда фидоийлик ва Ватанга садоқат, порлоқ келажакка тўла ишонч туйғулари янада мустақамлаш, унинг чорак асрлик қўлтуғи тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ҳар бир ватандошимиз беихтиёр: "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деяётган бўлса не ажаб.

Мана шундай улкан бунёдкорлик ишлари бўлаётган, мустақиллигимизни янада мустақамлаш, унинг чорак асрлик қўлтуғи тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ҳар бир ватандошимиз беихтиёр: "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деяётган бўлса не ажаб.

Дилшод ТўРАКУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

таҳамланиб, биз ҳеч қандам кам бўлмаганмиз ва ҳеч қандам кам бўлмаймиз, деган ёрқин ишонч тобора қатъийлашмоқда. Бугунги келиб дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, бағаватли руҳи билан муносиб иш билан банд бўлишга ҳар бир инсоннинг қўлашга зарур бўлади.

Шундай гўзал ва бетакрор юрtda тугилиб воғта етаётганимизга, шу Ватанда яшаб, фарзандлик бурчимизни адо этаётганимизга, унинг равнақиға хисса қўшаётганимизга минг бора шукроналар айтмаймиз. Қалбларимизни мустақиллигимизнинг ҳар бир кундан шукроналик ҳисси ҳеч қачон тарқ этмасин!

Дилшод БОБОЖОНОВА, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари

Гўзал ва бетакрор Ватанимиз аҳли ҳадемай энг улуг, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйини нишонлайди. Мустақиллик туфайли ўзликимизни англадик, миллий-маънавий ва диний қадриятларимиз қайта тикланди. Озод халқ, мустақил давлат сифатида юртимизнинг улкан салоҳиятини дунёга намойиш қилиш имконияти вужудга келди.

ФАРОВОН ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 2 июнда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан белгиланган долзарб вази-

фалар барчамизга алоҳида масъулият юклайди. "Мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустақамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодий-технологик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш" деган жумлаларни ўқирканман, ҳазрат Навоий бобомиз яратган Фарход сиймосининг бугунги кундаги издошлари – замонамиз бунёдкорлари – қурувчиларга тасаннолар айтгани келади. Бир сўз билан ифода қиладиган бўлсам, улар томонидан барпо этилаётган ер усти ва ер ости йўлларию, мустақам кўприклар, гўзал ва шинам бино-иншоотлар, хуллас, инсон кўзларини

хайратга солиши мумкин бўлган барча хайрли ишлар асрларга таптулик десам, янглишмайман. Яқинда ажойиб хушхабар тарқалди: 27 май кунини эъланлаштирилган Ангрен-Поп участкасида синов режимида илк поезд олиб ўтилади, дея хабар қилди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ахборот хизмати. Аср қурилиши, десак арзийдиган бу улкан иншоот яқин кунларда ниҳоятга етиб, водий билан пойтахт ўртасида афсонавий боғлиқни ривожлантириш ҳаракатида.

Бутун вилоятимиз маркази Гулистон шаҳрига келган киши гўё улкан қурилиш майдонига тушиб қолгандек сезади ўзини. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган кўп қаватли бинолар, кенг ва раво кўчалар, дам олиш масканлари, қўйинки, барчаси халқимизнинг ойдан келажати, бахтли ҳаёти учундир.

Мана шундай улкан бунёдкорлик ишлари бўлаётган, мустақиллигимизни янада мустақамлаш, унинг чорак асрлик қўлтуғи тўйини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ҳар бир ватандошимиз беихтиёр: "Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деяётган бўлса не ажаб.

Дилшод ТўРАКУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ – РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Партия давлатни бошқариш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда, миллатлараро аҳиллик ва тувлиқни таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Жамиятимизда либерал-демократик гоялар ва мақсадлар тобора чуқурроқ илдиз отиб бораётганлиги ҳар томонлама ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилмоқдаки, буни партия сафининг йил сайин кенгайиб бораётганидан ҳам кузатиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан тортиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар айнан шундай эзгу гояларни ҳаётга татбиқ этишда фидойилик кўрсатиб, зиммаларидаги қонунчилик ва ижро ҳокимиятларидаги вакиллик вазифасини шараф билан адо этишга интилишяпти.

Маълумки, Конституциямизда муҳрлаб кўйилган давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи ривож килган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимининг ривожланиб, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шарт-шароит туғдириб берилмоқда.

Бу вазифанинг моҳияти партиялар ўртасидаги сайловолди кураши, сайловлар пайтида бўлиб ўтган гоя ва дастурлар кураши кундалик фаолиятида ҳам давом этишини ва янада чуқурлашиб боришини назарда тутди.

Буларнинг барчаси қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, вакиллик ҳокимияти ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.

Маълумки, партиянинг сайловлардан кейинги фаолияти асосан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатларга, партия фракцияси ҳамда партия гуруҳлари фаолиятига боғлиқ бўлади.

Шундай экан, О‘зЛиДеП Сайловолди Платформасида эълон қилинган ва миллионлаб сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган вазифаларни изчил амалга оширишда барча депутатларнинг фаол иштироки этишларини таъминлаш, партия гуруҳларида партия сиёсатини уюшқоқлик билан илгари суриш, депутатлик назоратининг барча шакл ва усулларидан унумли фойдаланиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш асосида уларнинг ечимига доир амалий тақлифлар ишлаб чиқишда депутатлардан катта масъулият талаб этилади.

Зеро, шиддат билан ривожланиб бораётган давр ҳозирги шароитда О‘зЛиДеП олдида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатларнинг ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги амалий иштироки, қонунлар ва партия электорати манфаатларини ифода этадиган қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан танқидий қайта кўриб чиқиш талабини кўймоқда.

Бугунги кунда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги О‘зЛиДеП партия гуруҳлари фаолияти ҳақида тўхталар эканмиз, улар томонидан, энг аввало, партия электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни, ҳокимликлар томонидан жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий депутатлик назоратини олиб бораётганликларини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Шуни ҳам тан олиш керакки, илгарилари қонунлар ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши юзасидан ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилар ва муҳокама қилинар эди. Бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, қўрилаётган масала бўйича партия гуруҳларининг позицияси аниқ белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир ҳужжат қабул қилинмаган. Шахсан Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси талаблари асосида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.


Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш О‘зЛиДеП партия гуруҳлари фаолиятининг кундалик ишига айланиб бормоқда.

О‘зЛиДеП партия гуруҳларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликни фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш асосида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, ху-

дудларни социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш борасида яхши тажриба шаклланиб у тобора ривожлантириб борилаётганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин.

Депутатлик назорат-таҳлил фаолияти О‘зЛиДеП партия гуруҳлари томонидан самарали тарзда қўлланиб келинмоқда. Амалдаги Қонунлар ва давлат Дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш Дастурларига киритилган вазифалар ижроси депутатлик назорат-таҳлил фаолиятининг предмети бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай фаолиятнинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, бунда жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш билан бирга, маҳаллий кенгаш депутатларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятини беради. Яъни, давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, О‘зЛиДеП партия гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти билан қонун ижодкорлиги соҳасида фаол иштирок этишлари ва зарур ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминлаши лозим.



О‘зЛиДеП партия гуруҳлари ва алоҳида депутатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан юборган сўровларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликни фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш асосида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари устуворлик касб этмоқда.

Шунингдек, энергетика, йўл-транспорт ва коммуникацион инфратузилмалари, интеллектуал меҳнат соҳасида фуқаролар, энг аввало, ёшлар ва аёлларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, соғлиқни сақлаш соҳасига хусусий капитални жалб этган ҳолда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда соғлом рақобат муҳитини яратиш, ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш масалалари партия гуруҳларининг диққат марказида бўлмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О‘зЛиДеП партия гуруҳлари фаолияти ҳақида сўз юритилар экан, энг аввало, партиянинг дастурий вазифалар руҳида, уларнинг нечоғлиқ муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлашимиз керак.

Агарда депутатларнинг ўз ваколатларидан фойдаланишлари натижасида жойларда бирор-бир муаммо ўз ечимини топмас экан, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесда, фермерликда каттами-кичикми, бирор-бир фойда берадиган ишлар узил-кесил ҳал бўлмас экан, рақамлар қозғаларда қолиб кетаверади.

Бир сўз билан айтганда, О‘зЛиДеП электорати бўлган тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожланиши учун мамлакатимизда етарлича шарт-шароитлар яратилган. Агарда бирор жойда бу ривожланиш сусет бўлса, демакки, ўша ерда ижро этувчи ҳокимият идорасини ҳам, маҳаллий вакиллик ҳокимиятида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган О‘зЛиДеП партия гуруҳлари фаолиятлари ҳам талаб даражасида эмас, деган хулоса келиб чиқади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О‘зЛиДеП партия гуруҳи аъзоларининг ҳудудларда озик-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари устидан тасвирчан депутатлик назоратини амалга ошириб бораётганликлари **бир тарафдан**, депутатларнинг партия электорати вакиллари янада яқинроқ боранглигини билдирса, **иккинчи тарафдан**, энг муҳими, тадбиркор, фермер ва депутатнинг лойиҳани амалга оширишга халал бераётган нуқсонларни бартараф этиш, кичик бизнесга саноатни олиб кириш, кўп тармоқли фермерликни янада ривожлантиришда елкама-елка туриб ҳаракат қилишга ундамоқда. Лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширилишига депутатларнинг қўшган амалий ҳиссалари туфайли уларнинг жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборларининг ошишига хизмат қилмоқда.

О‘зЛиДеП депутатларига ўз муаммолари билан мурожаат қилаётган фуқаролар сонининг тобора ошиб бораётганлиги, энг аввало, мурожаатларнинг ижобий ҳал этилаётганлиги, муаммоларнинг ўз жойида ечимини топаётгани билан боғлиқдир.


Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О‘зЛиДеП партия гуруҳларига партия электорати вакилларида (тадбиркорлар, фермерлардан) келиб тушган ариза ва мурожаатлар

| Йиллар | Соҳалар бўйича | | | | | Жами |
|---------------|---|---|--------------------|--------------------------------------|---------------------------------|------|
| | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш | Фермер хўжалиқларини ривожлантириш масалалари | Молия, банк кредит | Ёшларнинг иш билан бандлиги масаласи | Бошқа социал-ижтимоий масалалар | |
| 2013 | 46 | 41 | 43 | 275 | 530 | 935 |
| 2014 | 260 | 310 | 105 | 301 | 669 | 1645 |
| 2015 | 425 | 520 | 675 | 365 | 700 | 2685 |
| 2016 й. 5 ойи | 190 | 216 | 240 | 150 | 210 | 1006 |

гашларидаги кўпчилик депутатлик ўринларига эга бўлган партия сифатида илдам ҳаракат қилаётганлигининг далилатидир.

Бу борада ҳудудларни социал-иқтисодий ва ижтимоий маданий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш ҳам О‘зЛиДеП партия гуруҳларининг кундалик фаолиятига айланиб бораётганлигини қайд этиш жоиз.

Муҳим жиҳати шундаки, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан партия гуруҳларининг амалий тақлифлари ишлаб чиқилиб, улар Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маъқулланиб тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.



Партия гуруҳларининг фаоллиги ошаётганлиги ҳақида сўз юритилар экан, энг аввало, партиянинг дастурий вазифалар руҳида, уларнинг нечоғлиқ муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлашимиз керак.

Агарда депутатларнинг ўз ваколатларидан фойдаланишлари натижасида жойларда бирор-бир муаммо ўз ечимини топмас экан, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесда, фермерликда каттами-кичикми, бирор-бир фойда берадиган ишлар узил-кесил ҳал бўлмас экан, рақамлар қозғаларда қолиб кетаверади.

Бир сўз билан айтганда, О‘зЛиДеП электорати бўлган тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожланиши учун мамлакатимизда етарлича шарт-шароитлар яратилган. Агарда бирор жойда бу ривожланиш сусет бўлса, демакки, ўша ерда ижро этувчи ҳокимият идорасини ҳам, маҳаллий вакиллик ҳокимиятида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган О‘зЛиДеП партия гуруҳлари фаолиятлари ҳам талаб даражасида эмас, деган хулоса келиб чиқади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О‘зЛиДеП партия гуруҳи аъзоларининг ҳудудларда озик-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳалари устидан тасвирчан депутатлик назоратини амалга ошириб бораётганликлари **бир тарафдан**, депутатларнинг партия электорати вакиллари янада яқинроқ боранглигини билдирса, **иккинчи тарафдан**, энг муҳими, тадбиркор, фермер ва депутатнинг лойиҳани амалга оширишга халал бераётган нуқсонларни бартараф этиш, кичик бизнесга саноатни олиб кириш, кўп тармоқли фермерликни янада ривожлантиришда елкама-елка туриб ҳаракат қилишга ундамоқда. Лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширилишига депутатларнинг қўшган амалий ҳиссалари туфайли уларнинг жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборларининг ошишига хизмат қилмоқда.

О‘зЛиДеП депутатларига ўз муаммолари билан мурожаат қилаётган фуқаролар сонининг тобора ошиб бораётганлиги, энг аввало, мурожаатларнинг ижобий ҳал этилаётганлиги, муаммоларнинг ўз жойида ечимини топаётгани билан боғлиқдир.

Маълумот учун:

О‘зЛиДеП 2014 йилнинг охирида бўлиб ўтган сайловларда ҳамда 2015 йил 4 январь кунини ўтказилган такрорий овоз бериш ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 308 та, туман ва шаҳар кенгашларида 1823 та депутатлик ўринларини эгаллаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларига О‘зЛиДеПдан сайланган депутатларнинг 194 нафари, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатларнинг 1352 нафари биринчи мартаба депутатликка сайланган.

Фракция аъзоларидан 19 нафари (46%), вилоят кенгашларига сайланган депутатларнинг 51 нафари (16%), туман ва шаҳар кенгашларидаги вакилликнинг эса 452 нафари (25%) 40 ёшгача бўлган депутатлардир.

Хозирда Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида 806 та депутатлик ўринининг 38 фоизи, туман ва шаҳар кенгашларидаги 35 фоизи О‘зЛиДеПга тегишли бўлиб, хозирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси барча вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партия гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

О‘зЛиДеПда самарали амал қилаётган “қуйидан – юқорига” тамойили асосида партиявий вазифаларни бажариш ва қонун ижодкорлигида фаол қатнашишда партиянинг барча тузилмалари ва депутатларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Ушбу ҳамкорликнинг пировард натижаси, партиянинг бош вазифалари ҳисобланган жамият ва давлат қурилиши, иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ, маънавият соҳалари ҳамда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш борасида рўй бераётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бўйича дастурларни амалга ошириш, демократик ва иқтисодий ислохотлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда О‘зЛиДеПнинг амалий иштироки ўз аксини топади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кирди. Ушбу қонун билан парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, унда парламент назоратининг субъектлари ва объекти, назорат шакллари, муҳим вазифалар аниқ белгилаб қўйилди.

Қонун Парламент, унинг қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг фракциялари, депутатлар, сенаторлар томонидан назорат олиб борилишини назарда тутса-да, биз Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиявий гуруҳларининг ушбу қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалари, парламент назорати субъекти бўлган партия фракциясининг партиянинг маҳаллий кенгашларидаги депутатлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш устида обдон ишлашимизга тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан О‘зЛиДеП Сиёсий кенгаши томонидан Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини кучайтиришга доир партиявий чора-тадбирлар тасдиқланиб, бу жараён изчил амалга оширилмоқда.

Дастурга мувофиқ, партия гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини янада такомиллаштириш, “қуйидан – юқорига” механизмини янада такомиллаштириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб партия гуруҳларимизнинг аниқ вазифаларини белгилаб олиш, партия гуруҳларини ахборот-таҳлилий, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий депутатлар ва Парламентдаги партия фракцияси аъзоларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишлари тизимли тарзда олиб борилмоқда.

О‘зЛиДеП депутатлик гуруҳлари мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш партия олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни, давлат ва жамият қурилишининг “ўзбек модели”ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” дастурини амалга оширишда О‘зЛиДеП депутатларининг фаоллигини янада ошириш партия кун тартибидagi муҳим вазифа ҳисобланади.

Партия гуруҳларининг жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу мақсадда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига О‘зЛиДеП таъсирини янада ошириш лозимлигини даврнинг ўзи талаб этмоқда.

О‘зЛиДеПнинг сиёсий майдондаги мақсади ҳам, энг аввало, ҳаётда онгли яшайдиган инсонларни бирлаштириш ва юксак мақсадларга сафарбар этишдан иборатдир.

Бунини унутмаслик, партияни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш О‘зЛиДеП депутатларининг виждон ишига айланиши керак.

Саҳифани
Адхам ХУСЕНОВ тайёрлади.

25 Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Бугун мамлакатимизда дунё илму фан ютуқларини пухта ўзлаштираётган, интеллектуал салоҳияти юқори, халқаро танловларда ғолиблик шохсупасининг энг юксак погоналарини банд этиб, мустақил Ўзбекистонимиз довругини ёймоққа қодир бўлган ёш авлод воёга етган. Уларнинг кўзларида келажакка ишонч, қалбида аниқ мақсадлар, юзларида ҳаётдан мамнунлик жўш уриб турибди.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН ЁШЛАР

Дилноза НОМОЗОВА, "XXI asr" мухбири

Ўз ютуқларидан мамнун

Соғлом авлодни, Ватанга содик, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - O'zLiDePнинг устувор йўналишларидан биридир. 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ишбилармон талаба" лойиҳасида ғолиб бўлган талабаларнинг кўпчилиги бугун йирик тадбиркорлик субъектлари ёхуд фермер хўжалиқларининг раҳбари сифатида фаолият юритаётгани аниқ ҳақиқатдир. Жорий йилдаги танлов ўтган йилдагига қараганда иштирокчилар сонининг кўпчилиги, ғоялар хилма-хиллиги билан кескин фарқ қилди.

кўрик-танлов шартларига мувофиқ, ҳар бир иштирокчининг билим даражаси давлат ва чет тилини билиши, ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштирганлиги, тадбиркорлик фаолияти, ўз онига миллий ва либерал демократик ғояларни қай даражада сингдира олганлиги, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари, етакчилик қобилиятларини атрофлича ўрганиб чиқиши.



лаб истеъдод эгалари аниқланди. Таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнида мафқуравий иммунитетни юқори, буюк аждодларимизга муносиб навқирон авлодни воёга етказиш, уларни маълум бир соҳага йўналтиришида O'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг билан давлат университетини қошидаги 2-сонли Академик лицейда "Ишбилармон талаба - 2016" стипендияси учун беллашган иштирокчилар сонининг кўпчилигидан ҳам билиш мумкин.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти асосида баркамол авлодни воёга етказишда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар тизими ўз ифодасини топган, - дейди O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Холидин Бўриев. - Қувонч билан айтишим мумкинки, туман, шаҳар босқичларида қатнашган 616 нафар талабанин 41 нафари вилоят босқичида иштирок этаяпти. Бугунги тадбиримиз миллийлик ва замонавийликни ўзида ифода этувчи ғояларнинг хилма-хиллиги, мавзуларнинг долзарблиги билан аҳамиятли.

Иштирокчилар томонидан ташкил этилган кўргазмада ҳакамлар хайъати томонидан махсулотларнинг дид билан танлангани, ранглар жиловининг ўзаро уйғунлашгани юқори баҳоланди. - Давлатимиз раҳбари ўз маъруза-

ларида гўзаллик салонларининг очишлишига алоҳида аҳамият қаратганлиги, буни тақрор ва тақрор айтганлиги, хотин-қизларни эъзозлаб билдирган дил сўзлари қалбимда чуқур из қолдирди, - дейди Фарида Ҳакимова.

Шу боис ҳам саргарошлик хизматини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳам билан танловда иштирок этдим. Ғолиблар сафидан жой олганим - келажакда орзу қилган касбимнинг эгаси, бир сўз билан айтганда, ўзимга бўлган ишончнинг янада ортишига турткидир.

Тўқувчилик лойиҳам иккинчи ўринга муносиб топилганидан беҳад хурсандман, - дейди Термиз тумани архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Муслима Авазова. - Мақсадим, аҳолига ипак ва жун ипакларидан миллийлигимизни акс эттирувчи замонавий услубда тўқилган арзон ва сифатли кийимлар ишлаб чиқиш.

Қўл меҳнатим, изланишларимга ҳакамлар хайъати томонидан берилган баҳо мен учун энг катта рағбат ва муқофот бўлди, - дейди учинчи ўрин соҳибаси Дилноза Рўзиева. - O'zLiDePнинг бу каби лойиҳалари мен каби қўлаб ёшларни руҳлантириши, жамиятда етук мутахассис бўлиб етишишига ёрдам бериши шубҳасиз.

ХУНАРМАНД ЙИГИТНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Баҳс-мунозаралар, кучли рақобат асосида ўтган "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи талаба-ёшларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти нақадар юқори эканлигини исботлади.

Партиянинг дастурида ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқиш, уларни миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсир ва оқимлардан ҳимоя қилиш, жамиятимиз ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган замонавий билимларга эга, мустақил фикрловчи фуқароларни тайёрлаш устувор вазифалар сифатида қайд этилган. O'zLiDeP вилоят Ёшлар билан ишлаш бўлими фаолларининг саъй-ҳаракатлари, олиб борилган ташвиқот-тарғибот тадбирларининг самараси ўлароқ, жорий йилда лойиҳага 500 нафардан ортиқ академик лицей ва касб-хунар

колежлари ўқувчилари қамраб олинди.

Кучли рақобат - ёшлар билимини оширади, - дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мусахон Юсуфжонов. - Очиғи, танловлар жараёнида зукко ёшларимизнинг изланишларини, инновацион лойиҳаларини кўриб ҳавасимиз келди. Лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш йигит-қизларимизни ўз устида янада кўпроқ ишлашига ундашига, партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг бесамар кетмаётганлигига яна бир бор амин бўлдим.

Кўрик-танловнинг яқиний натижаларига кўра, Янгйқўрғон агро-сервис ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Марлен Сейтмуеров "Замонавий эркаклар кўйлақларини ишлаб чиқариш" йўналишида биринчи, Наманган қурилиш ва дизайн касб-хунар коллежи вакиласи Гўзал Тоҳирова "Замонавий аёллар ва болалар кўйлақларини яратиш ва ишлаб чиқариш" бўйича иккинчи, Чортоқ педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи талабаси Мухаммадсолт Латифжонов "Қулоччилик махсулотларини ясаш" лойиҳаси билан учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Қулоччилик буюмларини ясаш жону дилим, - дейди М.Латифжонов. - Ёшлигимдан пластилинлардан ҳар хил шаклдаги хайвонларни, гулларни ясардим. Эндиликда сувенир-совгалар, идишлар ясаётман. Келгусида кулоччилик дўконини очиб, хорижга ўзим ишлаб чиқараётган хунарандчилик махсулотларини экспорт қилиш ниятидаман.



Мухтасар айтганда, O'zLiDeP "Ишбилармон талаба" стипендияси учун ўтказилаётган

ГУЛЧИЛИКНИНГ ҲАМ ЎЗИГА ЯРАША МАШАҚҚАТЛАРИ БОР

Андижон индустриал-педагогика коллежида O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан "Ишбилармон талаба" стипендияси кўрик-тан-

ловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад, O'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, ижтимоий сиёсий-фаоллигини ошириш, мамлакатимиз келажиги йўлидаги интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокчини қўлаб-қувватлашдир.

Танлов жараёнида ёш тадбиркорларимизнинг илмга чанқок, интилувчан, ҳозиржавоблигининг гувоҳи бўлди, - дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари, хайъат раиси Улғубек Нейматов. - Аминманки, мана шу қорақўларимиз яқин йилларда кичик бизнес вакилларига айланишди.

Олтинқўл тумани иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Зулайхо Каримова гулчилик йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди.

Майдонларимизда, кўчаларимизда турфа хил гулларни кўрган ҳар бир инсон уларга қараб завқ олади, - дейди Зулайхо. - Гулчиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, сирю синоатлари бор. Келажакда, иссиқхоналарда гул етиштириб, уни кўпайтириш, юртимизнинг сўлим гушаларини кўккамаздорлаштириш ишларида ўз хиссамни қўшиш энг эзгу мақсадларимдан биридир.

Асака тумани академик-лицей ўқувчиси Сарвиноз Қобилжоновна дизайнерлик йўналишида иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Қўғирчоқлар ширинтой болакайларнинг овуноғи саналади, - дейди учинчи ўрин соҳибаси Андижон индустриал-педагогика коллежи ўқувчиси Гулшаной Соҳибжоновна. - Келгусида кўғирчоқ театрлари, боғчаларга эзгулик ва яхшилик образларини тараннум этувчи ўйинчоқлар етказиб беришни мўлжаллаётман.

Мухтасар айтганда, O'zLiDeP "Ишбилармон талаба" стипендияси учун ўтказилаётган

кўрик-танлов ёш авлоднинг келажакда маълум бир касбнинг эгаси бўлишида, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини англаб олишига туртки бўлаётди. Янгича фикрлайдиган, ўз манфаатини юрт манфаати билан боғлиқ ҳолда кўрайдиган, мамлакат таракқиётига дахлдорлик масъулиятини зиммасига олишга қодир, эл-юрт хизматида шай, юраги ёниб, билаги кучга, қалби шижоатга тўла йигит-қизлар - эртамиз эгаларидир.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг вилоят босқичида шижоатли, интилувчан, замон билан ҳамнафас ёшларимиз ўзларининг билим салоҳиятларини синовдан ўтказишди.

Ўтган йили туман-шаҳар босқичларида 200 нафардан зиёд талаба қатнашган бўлса, бу йил иштирокчиларнинг сони қарийб 300 нафарга етди, - дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Хусан Жабборов. - Натижада, вилоят босқичида 33 нафар талаба ўз инновацион лойиҳалари билан қатнашиш имкониятига эга бўлишди. Энг қувонарлиси, йил сайин лойиҳада қатнашиш истагини билдириб, турли йўналишларда ўз иқтидорини эл манфаати билан уйғун кўраётган йигит-қизларимизни кўриб, фахрланасан киши.

Дарҳақиқат, тадбир давомида қатнашчилар нафақат иқтисодий-сиёсий билимларини чигирикдан ўтказишди, балки ўзларининг ижодий изланишлари орқали келажакда қандай ютуқларни қўлга киритиши мумкинлиги ҳақида ҳам батафсил маълумот беришди. Ҳакамлар хайъати

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИГА МАРҲАМАТ!

Кўрик-танловнинг Сурхондарёда бўлиб ўтган вилоят босқичида кўп-

Кейинги йилларда Нарпай туманида O'zLiDeP "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган "Оилавий тадбиркорликдан - мустақкам оилага", "Соғлом оила - мустақкам оила", "Фермер аёллар", "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови каби лойиҳаларда опа-сингилларимиз фаол қатнашаётгани эътиборга лойиқдир. Ўтган йилнинг биринчи чорагида 15 га яқин партиявий тадбирларда 200 нафардан ортиқ хотин-қизлар қатнашган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 20 га яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 350 нафарга яқин опа-сингилларимиз қатнашди.

ЛОЙИҲАЛАР ТАШАБУСКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

ланиб келаяпти. Уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, касаначиликни ривожлантириш йўлида Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, молия муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бу эса самарқандлик ишбилармон аёллар олдида турган долзарб масалаларга ижобий ечим топишда имкониятлар эшигини очаяпти. Жумладан, нарпайлик уч нафар хотин-қиз лойиҳаларининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, 14 миллион сўм миқдорда кредит олишди. Бу эса 20 нафар ёш мутахассис учун янги иш ўрни яратишга имконият яратди.



Аноргул Рустамова озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш учун банкдан 5 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлса, Нодира Сайфуллаеванин ширинликлар ишлаб чиқариш борасидаги лойиҳасига 4 млн., Ирода Урино-

ва мавқеини ошириш муаммоларини ҳал қилиш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда, - дейди партия Нарпай туман Кенгаши "Аёллар қаноти" гуруҳи раҳбари, фермер Ҳамид Юсупова. - Асосий мақсадимиз ҳам мана шундай ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари орқали партиямизнинг электорат вакиллари манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг эркин фаолияти учун қўлай муҳит яратиш,

чекка қишлоқлардаги уйдан ўтирган хотин-қизларга янги иш ўринлари яратиш имкониятлари ҳақида маълумот бериш, молия муассасаларидан кредит расмийлаштириш борасидаги мавжуд ҳуқуқий меъёрлар билан яқиндан таништириш каби масалаларни тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёлларимизга тушунтиришдир.

Бундай фойдали тадбирлар ўз натижасини бераётгани туфайли жорий йилда бундай лойиҳалар сони ошиши кутиляпти. "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови асосида вилоятда, шу жумладан, Нарпай туманида ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшаётган тадбиркор опа-сингиллар сони ортади.

ҚИШЛОҚ АЁЛИ ФАОЛЛИККА ИНТИЛЯПТИ

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан Хонқа туманида ўтказилган давра суҳбатида қишлоқ аёлларининг кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги фаоллигини ошириш, уларнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўшиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Айниқса, чекка ҳудудларда яшаб, тадбиркорлик, касаначилик, шу жумладан, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг машаққатли меҳнатига янги куч-қувват бахш этиш билан боғлиқ вазифалар таҳлили қизиқарли кечди.

Янгибой КЎЧҚОРОВ, "XXI asr" мухбири

Мулоқотда иштирок этган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш O'zLiDeP фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, "Аёллар қаноти" ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган партиявий тадбирларнинг савияси изчил ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёллар, касб-хунар коллежларининг битирувчи қизларини доимий иш ўринлари билан таъминлаш, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилишида қўмаклашиш, уйда ўтирган аёлларни хусусий секторга жалб этишга эътиборни кучайтириш талаб этилади. O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши бўлими мудири М.Раҳимова, Хонқа ту-

ман "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари, вилоят Кенгаши депутати Н.Машарипова ва бошқаларнинг чиқишларида ташаббускор аёлларимиз томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар тилга олинди. Вилоятда мавжуд 778 та бошланғич партия ташкилотининг аксариятида аёллар фаолиги ҳар жабҳада аён кўринади. Жойларда оилавий бизнесга, касаначилик ва хунаранд аёллар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилляпти. Давра суҳбатида, шунингдек, бу жараёни янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, янги режалар белгилаб олинди. - Мен ниҳоятда бахтлиман, айниқса, қишлоқ мулкдори сифатида шундай тинч ва обод мамлакатда яшаётганимдан хурсандман, - дейди Янгибозор туманидаги "Хушнуд" фермер хўжалиги раиси Солия Матёкубова. - Мустақил мамлакатимизнинг чорак асрлик тўйига тўёна сифатида барча режаларимни 125 фоизга удаллашни зиммамга олдим.

Ўз атрофига 20 минг 400 нафарга яқин сафдошни бирлаштирган O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгашининг 524 та таянч тузилмасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, маиший ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юргизаётган мулкдорлар синфи вакиллари тобора кўпаймоқда.

Ахроров. - O'zLiDeP аъзоси сифатида сафдошлар билан ушбу соҳалардаги билимларимизни ошириш, илгор маслақдошларимизнинг тажрибаларини ўрганиш ва кишлоқларимиз жамолини тубдан ўзгартирган ислохотлар самардорлигини таъминлашга ҳисса қўшишга қарор қилдик.

Худди шунингдек, Навбахор туманидаги "Қайрағоч дачини" фермер хўжалигида ташкил этилган 6 нафар, Хатирчи туманидаги "Назар бобо" фермер хўжалигида 5 нафар ҳамда "Усто Фазлиддин Широнов" фермер хўжалигида 6 нафар сафдошни

Бугун юртимизда тадбиркорларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан унумли фойдаланиб, тижорат банкидан олган кредит эвазига тикувчилик цехи ташкил этдим, саккиз нафарга яқин ишчини жалб этган ҳолда тўрт-беш хил турдаги либосларни ишлаб чиқариб, бозорларимизни сифатли кийим-кечак билан таъминлаб келаяпмиз. Келгусида маҳалладаги мохир тикувчилар билан биргаликда иш самардорлигини кескин ошириш, хорисдан келтирилган замонавий тикув машиналарини ўрнатиш орқали коллеж битирувчиларини иш билан таъ-

МАСЛАҚДОШЛАР ФАОЛЛИГИ АМАЛИЙ ИШЛАРДА НАМОЁН



Пешку туманидаги Зандани, Боғимусо ҚФЙлари, шунингдек, Янгибозор шаҳарча фуқаролар йиғинидаги хонадонларда истиқомат қилувчилар O'zLiDeP Дастури, Сайловолди платформаси, маҳаллий кенгашларга партиямиздан сайланган депутатларнинг кейинги пайтдаги фаолияти натижалари, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятидан яхши хабардор.

Ахсор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

Худудда ташкил этилган O'zLiDeP куйи бўғини аъзолари Халқ депутатлари Пешку туман Кенгаши депутати Муҳаббат Абдуллаева етакчилигида нафақат аҳоли истиқомат жойлар, балки шу яқин атрофдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда тез-тез бўлиб, турли ёшдаги кишиларни қизиқтирувчи мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратишяпти. Бундай тадбирлар довомида O'zLiDePнинг жамиятдаги ўрни, фермерлар ва тадбиркорларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар, давлат ва худудий дастурларнинг жойлардаги ижроси хусусида батафсил сўз юритилмоқда. Партия туман Кенгаши ва маҳаллий кенгашдаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбарлигида БПТ аъзолари томонидан олиб борилаётган тарғибот бу билан тугамайди, албатта. Кейинги пайтда мазкур куйи бўғин сазй-ҳаракатининг амалий натижаси Пешку кишлоқ хўжалик ҳамда саноат, транспорт ва алоқа касб-хунари коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда аниқ кўзга ташланмоқда.

Чорвачилик йўналишида келгусида иш олиб бориш истагида бўлган битирувчи ёшлардан Фарангиз Сафарова ва Ҳаёз Ҳасановларга тижорат банкларидан жами 13 млн. сўм миқдорда кредит ажратишга кўмаклашилгани бунинг исботидир.

БПТ аъзолари ёшларни O'zLiDePнинг бир қатор истиқболли лойиҳалари асосида ташкиллаштириб келинаётган семинар машғулотларига жалб этиб, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантирган ҳолда йигит-қизларнинг ўз танлаган соҳаларида аниқ натижаларга эришишларида ҳар томонлама кўмакчи бўлишяпти. Афшона тиббиёт коллежиде O'zLiDePнинг "Оилавий тадбиркорликдан - мустақкам оилага" лойиҳаси асосида ўтказилган тадбир довомида айнан шу жиҳат кўзга яққол ташланди.

Жами 56 нафар маслақдошдан иборат БПТнинг жорий йил учун тузилган иш-режасида мазкур худудга яқин жойлашган Чирчи ва Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинларида партиянинг дасту-

рий мақсад-вазифалари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш йўналишида туман Кенгаши депутатлари ишлар хусусида сўз юритилаётган давра суҳбатларини ўтказиш ҳам белгиланган.

БПТ фаолларидан Шахзода Имомова, Камолитдин Каримов, Дилноза Сафарова, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларидан Ўткир Элов, Феруза Ёшиева, Баҳром Примов, Саидр Файзиев ва бошқаларнинг мақсад-муддаоси битта - у ҳам бўлса O'zLiDeP Дастурида алоҳида таъкидлаб ўтилган "...мулк - бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар химояланганлигининг асоси. Либерал, адолатли ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бевоқиф бозор иқтисодиёти билан боғлиқ. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинлик ижтимоий эркинликсиз мавжуд бўла олмайди" деган сўзлардан келиб чиқадиган энг муҳим вазифалар ижросига тўғри ёндашадиган, партия аъзолари сафларини кенгайтиришдан, барча маслақдошларнинг изчил фаолияти олиб боришларига эришишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, партия аъзолари сафини ўстиришга ҳам мазкур БПТда жиддий ёндашяпти. Агар вилоят бўйича жорий йилнинг 1 январидан бошлаб O'zLiDeP аъзоллигига янги қабул қилинганлар шу кунгача 1717 нафарга етган бўлса, Пешку тумани бўйича бу кўрсаткич 141 тани ташкил этиб турибди. М.Абдуллаева етакчилигида БПТ аъзолари сони эса бу давр ичиде 21 нафарга ошди.

Вилоятда бугунги кунда ўз сафига салкам 14700 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган 603 та БПТ фаолият олиб бораёпти. Куйи бўғинларнинг 55 таси айнан Пешку тумани ҳиссасига тўғри келади. Тумандаги маслақдошларнинг умумий сони эса 1200 нафардан ошган.

БИРГАЛИКДА БИЗ КУЧМИЗ!

Худудий партия ташкилоти ташкилий партиявий ишлар бўлими мудир Қобил Астанонининг таъкидлашича, жорий йил иккинчи чорағининг ўтган бир ярим ойи довомида 13 та янги БПТ ташкил этилган бўлиб, уларнинг 8 таси хусусий сектор корхоналарида фаолият бошлаган.

Тикувчилик фаолияти билан шуғулланувчи корхонамизни 2014 йилда очган эдик, - дейди Нурота туманидаги "Муслимбек Мустафо" оилавий корхонаси раҳбари Дилшода Ҳакимова. - Икки киши билан иш бошлаб, жамоа аъзолари сонини 10 нафарга етказдим. Аммо ишимиз озроқ юришмай қолганда O'zLiDeP туман бўлими маси раҳбари Бекзод Бобомуратов, Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашидаги партия депутатилик гуруҳи раҳбари Тошпўлат Ражабовлар келишимга келиб, яқиндан ёрдам беришларини, O'zLiDePнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсад ва вазифаларини батафсил тушунтиришди. Жамоамиз билан партия сафига қабул қилишларини сўраб ёзган аризамиз ижобий ҳал этилди. Тикувчилар Сарвиноз Зойирова, Саодат Ярашова, Муҳаддас Фармонова ҳамда иш бошқарувчи Ўткир Хидировлардан иборат маслақдошлар билан ўзимизнинг куйи бўғинни ташкил этдик. Ишларимиз ҳам юриша бошлади. Ҳозир банкдан олинган 30 миллион сўмлик кредит ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, туманимизда эҳтиёж юқори бўлган трикотаждан маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 12 та янги иш ўрни яратиш ҳаракатидамы.

Худудий партия ташкилоти лиги нафақат Навбахор тумани ёки Навоий вилояти, балки республикадаги илгор жамоалардан бири. Президентимиз Ислам Каримов 2015 йил пахта тайёрлаш шартнома режаси муваффақиятли бажарилиши муносабати билан йўллаган табригида, пахтачилик соҳасини ривожлантириш, майдонлар ҳосилдорлигини оширишда намуна кўрсатган республиканинг пешқадам фермер хўжаликлари қаторида "Аслон бобо" фермер хўжалигини ҳам тилга олган эдилар.

2011 йилда "Аслон бобо" фермер хўжалигини ташкил этган Ҳасан Рустамов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг устив ҳамда дастурларини ўрганди.

Кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида юрт обод, турмушимиз фаровонлиги таъминланмоқда, - дейди фермер. - Яратилган қулай ишбилармонлик муҳити боис фермерлик ҳаракати тараккилий этиб, кишлоқда замонавий ин-фрамунолик шакллантирилди. O'zLiDeP эса бу борадаги муаммолар ечимини ўз зимасига олишга қодир сиёсий кучга айланиб улгурди. Кишлоқ мулкдорларининг оддий бир вакили сифатида мен ҳам ушбу жараёнга дахлдор эканимдан фахрланаман. Она Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш ишига янада кўпроқ нафим тегсин, деган мақсад билан ўз сафларига фермерлик ҳаракати иштирокчилари, тадбиркор ва ишбилармонларни бирлаштириб, хусусий мулк ва мулкдорлар синфи ҳуқуқ ҳамда ман-

фаатларини химоя қилувчи либераллар сафига бўлишга қарор қилганимнинг боиси ҳам шунда. Партия туман бўлимига берган аризам ижобий ҳал этилиб, аъзоликка қабул қилиндим. Кишлоқдошим, халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Сангат Аевзов, партия туман бўлимидаги аппарати раҳбари Мақсуджон Усаровлар билан ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб бордик. Натижада фермер хўжалигимизда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотидеги маслақдошларимиз сони 10 нафарга етди.

Асли касби муҳандис бўлган Обиддин ака Ахроров узок йиллар Қизилтепа туман ҳокимлиги ва бошқа идораларда ишлади. Жамоа хўжалигини бошқарди. Мустақиллик тўғрисида фермер хўжалиги ташкил этиб, юқори натижаларга эришди. Қарилик нафақасига чиққач эса сеvimли ишини ўғли Шўхратжонга топширди. "От изини той босар" деб бежиз айтишмаган экан. "Асадбек орузси" фермер хўжалиги бугун вилоятда ҳам ҳақли равишда илгор жамоа сифатида тилга олинади. Ютуқларнинг қўлга киритилишида эса бу ерда ташкил этилган Шўхрат Ахроров бошчилигидаги 15 нафар маслақдошни бирлаштирувчи БПТ аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим.

Конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, фаровон турмуш кечириш йўлида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ҳар бир фуқаро, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий ва маънавий-маърифий жиҳатдан билим ва савияга эга бўлмоғи лозим, - дейди Ш.

бирлаштирган партия куйи тузилмалар ҳам янгидан иш бошлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу сафдошлар ҳам мамлакат сиёсий майдонида аллақачон етакчи кучга айланиб улгурган O'zLiDePнинг "Биргаликда биз кучмиз!" шиори остида меҳнат қилиб, Ватан ранаки, юрт ободлиги, фаровон турмуш йўлида бир ёқадан бош чиқаришга азму қарор қилишган.

O'zLiDeP Навоий шаҳар Кенгаши таркибида 65 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, айни вақтда улар ўз сафига 5200 дан ортик аъзони бириктирган ҳолда иш кўлимининг тизимли равишда йўлга қўйиб келмоқда. Хусусан, "SHAHZODA ORIGINAL KNITWEAR" хусусий корхонаси қошида ташкил этилган куйи бўғин ана шундай ташкилотлардан бири саналади.

Корхона ходимларининг кўпчилиги партия сафига ўз хоҳиши, истаги ва ташаббуси билан киришни билдирган. Зеро, улар мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларда иштирок этиш, сиёсий жараёнлардан ажралиб қолиш мумкин эмаслигини яхши англашади. Шу сабабдан бугун корхонада 8 нафардан ортик ёшни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

2013 йилда тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимда корхонамизда ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб бўладими, деган хавотирда эдим, - дейди "SHAHZODA ORIGINAL KNITWEAR" хусусий корхонаси раҳбари Шахзода Умарова.

- Партия аъзоларининг умумий йиғилиши бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши зарурат бўлган пайтларда, аммо бир йилда камида 4 марта ўтказилади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишида унинг раиси ва ўринбосари бир йил муддатга сайланади.
- Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишининг раиси ва раис ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарори туман (шаҳар) партия Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

O'zLiDeP Уставидан

ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 2016 йилда озик-овқат саноати соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида

"O'ZLIDER DEPUTATI — ТАШАББУСКОР ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ"

номли 25 номинацияли акция ўтказилмоқда.

Акцияда ҳар бир депутат 2016 йилнинг январь-август ойларида инвестиция лойиҳасини амалга оширишига кўмаклашиш юзасидан олиб борилган

фаолияти билан қатнашади.

Акциянинг голиб ва совриндор депутатлари ҳамда депутатлик гуруҳлари O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва худудий партия ташкилотларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мукофотлар Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этиладиган тантанали байрам тадбирида топширилади.

Акция шартлари билан батафсил танишиш учун O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш бўлими ҳамда Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори (тел: 0-371 255-53-53) га мурожаат қилишингиз мумкин.

- ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ - ЎЗБЕКИСТОН
- ЛИБЕРАЛ - ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЯНЧ ТУЗИЛМАЛАРИ
- ҲИСОБЛАНГАН КЎП СОНЛИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
- ТАШКИЛОТЛАРИ ЕТАКЧИЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА
- ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
- ХОДИМЛАРИНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН КАСБ
- БАЙРАМЛАРИ
- БИЛАН САМИМИЙ
- МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.
- МАШАҚҚАТЛИ
- ВА ШАРАФЛИ
- ФАОЛИЯТИНГИЗДА
- ЗАФАРЛАР ЁР
- БЎЛИШНИ
- ТИЛАЙМИЗ.



ҲОВЛИДАГИ ХАЗИНА



Томорқа ҳўжалиги билган одам учун битмас-туганмас хазина, бойлик эканлиги ҳаммамизга аён. Бошқа ҳудудларда бўлганидек, Боёвут туманида ҳам бугунги кунда бу оддий ҳақиқатни амалда исботлаётганлар кўпчилиги ташкил этади. Жумладан, "Дўстлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Очил Муқимовлар хонадонни туман миқёсида мунтазам ўтказиб келинаётган "Энг намунали томорқа" танловида иштирок этиб, бир неча йилдан бери голибликни қўлдан бермай келмоқда. Бунинг замирида шубҳасиз фидокорона меҳнат ва омилкорлик ётибди. Асли касби ҳуқуқшнос бўлган Очил ака ҳозир пенсияда. Умр йўлдоши Саломат опа билан олти нафар фарзандни уйли-жойли қилишган. Шундай бўлса-да, иккисиям ҳамон тиниб-тинчишмайди.

20 сотихли томорқанинг бир чеккаси узумзор. Қолганига анор, олхўри, олма, гилос, шафтоли, хурмо, анжир, нок каби турли меваги дарахтлар экилган. Томорқада қўлбола иссиқона ҳам мавжуд. Бу ерда помидор, булғор қалампери, бақлажон уруғидан экилиб, ҳар баҳорда улардан кўчат олинади.

Томорқанинг яна бир қисмида картошка, пиёз, саримсоқпиёз, турп, шолғом, помидор, бодиринг, ҳандалагу қовун – кўйинги, кундалик истеъмол учун зарур бўладиган сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш одат тусига кирган.

Хуллас, йилнинг тўрт фаслида ҳам оила эҳтиёжи учун зарур бўладиган деярли барча неъматлар ҳовлининг ўзидан чиқади.

– Энг муҳими, ўғилларим ва набираларимнинг табиатга, ўсимлик дунёсига қизиқиш-ҳаваси бўлакча, – дейди Очил ака Муқимов. – Бирортаси меҳнатдан қочмайди. Ер қолиш борми, кўчат экиш ёки мева териш борми, ҳаммиси тайёр туришади. Хонадонимизда бир неча бош чорва моллари ҳам парвариш қилинмоқда. Сут, қатиқ ҳар доим муҳайё. Айниқса, Саломат янгангиз тайёрлаган қўлбола пишлок ва бринзалардан тотиб кўрсангиз, мазаси оғзингизда қолади. Шундай дориламон кунларга етказгани учун Яратганга беҳисоб шукрона айтамин!

Ғ. ПРИМОВ,
Сирдарё вилояти

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашида O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари 16 нафарни ташкил этади. Улар давр талабларидан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қолаверса, соҳага оид қонунлар, қарор ва дастурлар ижросини таъминлаш, бу борада депутатлик назорати усулидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

ЭРТАМИЗ ГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" муҳбири

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор асосида йигит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига, касб-ҳунар эгаллашга кенг жалб этиш, улар орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш диққат марказида тугилаётир. Зеро, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшлар иштирокини кенгайтириш, юксак маънавиятли, кенг дунёқараш ва чуқур замонавий билимга эга бўлган фидойий йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни қарор

топтириш, иқтидорли фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугун алоҳида аҳамият касб этади.

– Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун барчамиз жавобгармиз, – дейди Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Равшан Маматхўжаев. – Унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилаётган. Бу шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Жорий йилда ҳудудимиздаги 7 нафар ўғил-қиз битириб чиқади. Улар билан

ота-оналари иштирокида бир неча бор суҳбатлар ўтказилди, зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Наманган миллий хунармандчилик ва сервис хизмати кўрсатиш коллежини бу йил 459 нафар ўқувчи тамомлапти. Уларни иш билан таъминлаш бўйича 310 та ташкилот ўртасида шартномалар тузилган. Ушбу меҳнат жамоаларининг 135 тасини саноат, 155 тасини таълим муассасалари, 20 тасини эса қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ташкил этади. Энг муҳими, кўп томонлама шартномалар асосида ҳозиргача 270 нафар ўқувчи кафолатланган иш ўринларига эга бўлди.

ЯНГИ ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТИ

Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ ҳўзуридаги қўриқлаш бўлинмасида хизмат олиб бораётган ходимлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, хизмат унумдорлигини ошириш мақсадида Навоий вилояти ИИБ ҳўзуридаги қўриқлаш бошқармаси ташаббуси билан 2013 йилда Хатирчи тумани ИИБ ҳўзуридаги қўриқлаш бўлинмасининг янги икки қаватли бутун шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган замонавий бино қуриб, фойдаланишга топширилган эди.



Хатирчи тумани ИИБ ҳўзуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида туман ҳудудида жойлашган объектларни қўриқини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва халқ ҳўжалиги объектларини ишончли ҳимоялашни ташкиллаштириш мақсадида қўриқлаш бўлинмасида Техник қўриқлаш пункти хизмати ташкиллаштирилди.

Олиб борилган тарғиб-бот-ташвиқот ишлари натижасида Хатирчи туманида фаолият юритаётган тадбиркорларга ҳамда давлат муассасаларига тегишли 61 та объектларни қўриқлаш тўғрисида шартномалар имзоланиб, ушбу объектларни бўлим Техник қўриқлаш

пунктига уланишига эришилди. Яқинда ана шу янги Техник қўриқлаш пунктининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳўзуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси бошлигининг ўринбосари, подполковник Ф.Раджабов кириш сўзи билан очиб, тадбир иштирокчиларини табриқлади.


Тадбир иштирокчилари Хатирчи тумани ИИБ ҳўзуридаги қўриқлаш бўлинмасида ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Элмурод КУЗИЕВ,
"Қўриқлаш" бирлашмаси ИХХК ва ЮТВ матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант

Ҳиштон ўзининг қулолчилик санъати, сополу чинни идишлари ҳамда қантак ўриклари билан қадимдан машҳур. Мустақиллик шарофати билан одамларнинг дунёқарашини ўзгартириб, туман қишлоқлари тобора янги қиёфа касб этмоқда. Айниқса, халқ хунармандчилигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Қулол Тоҳир Ҳайдаров хонадонидан бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Санъат асари даражасидаги турфа буюмларнинг оддий лойдан ясалганига ишонгингиз келмайди.

O'zLiDeP фаоллари

СОПОЛЛАРДА АКС ЭТГАН САНЪАТ



Қўзлаган манзилдими – Жаллол қишлоғига тушга яқин кириб бордик. Тоҳир қулол бизни ўн сотихли жойда барпо этилган мўъжазгина музейга бошлади.

– Кеча бир гуруҳ ёшлар келиб кетишди, – дейди уста бизни экспонатлар билан та-

ништирар экан. – Ҳар бир буюм то тайёр холга келгунча 70 та жараёндан ўтади. Бу касб хунарманддан сабру қаноат билан бирга меҳр ва фидойиликни ҳам талаб қилади. Гоят нозик ва машаққатли иш. Биласизми, менга нима илҳом беради? Аввало, юртта меҳр ва албат-

та, рағбат, эътибор. 2011 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан мукофотландим. Ўша ҳаяжонли турфа кўзалар эътиборимизни тортди. Очиғи, чинакам музей асдида устанинг уйида экан. Синчиклаб тикиламиз. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз асарларига ишланган расмлар, буюк Амир Темур шажараси акс эттирилган идишлар, алломаларимиз рубоийларининг лотин ва инглиз тилларида битилган сатрлари, сержило миллий нақшлар... Хуллас, музейдаги экспонатлар халқимизнинг бой ўтмишини сўзсиз ифодалаб тургандек гўё.

– Энциликда мақсадим, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб мўъжазкор бир асар яратишдир. Ҳойлар, фикрлар кўп. Бу шундай санъат намунаси бўлиши керакки, уни кўрган киши истиқлол

қадрини, бунёдкорлик моҳиятини қалбан ҳис этсин. Яна бир янгилик: Тоҳир аканинг айтишича, музей тўлиқ биттач, бу ерда O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотини ташкил этиш режалаштирилаётган экан. Мазкур тузилма ислохотларини чуқурлаштириш либерал-демократик гояларни оммага етказиш йўлида беминнат хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, Тоҳир Ҳайдаров республика "Хунарман" уюшмаси аъзолигидан ташқари O'zLiDeP Ҳиштон туман Кенгаши раислигини ташкилий-партиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдир. Бу эса унинг зиммасига катта ишлар юклаб, жамоат ишларида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА,
O'zLiDeP Сийёсий
Кенгаши Ижроия
қўмитаси масъул ходими

таъкидланди. Таҳлилларга кўра, биргина фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманларо судига 2014-2015 йиллар давомида жисмоний ва юридик шахслардан e-sud тизими орқали қарийб 70 мингта электрон тарздаги мурожаатлар келиб тушган.

Тадбирда қайд этилганидек, www.esud.uz тизими судларга мурожаат қилиш амалиётини такомиллаштириш, ишларни қўриш самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдан мақсад эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

e-sud: МИЛЛИЙ ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ АХБОРОТ ТИЗИМИ

Астиддин АЛИМАРДОНОВ,
"XXI asr" муҳбири

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. "Суд-ҳуқуқ тизимига ахборот коммуникация технологияларининг жорий этилиши – ишларни қўришнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда" мавзусидаги ушбу тадбирда судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда



ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлар ҳамда аҳолига кўрсатиладиган

интерфаол хизматлар қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Ҳалқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Та-

раққиёт Дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси фаолияти доирасида яратилган e-sud миллий электрон судлов ахборот тизимининг афзалликларини тўғрисида кўргазмалар слайдлар намойиш этилди. Хусусан, мазкур янгилик тизим айна кунда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота, Юқори Чирчиқ, Бекобод туманларо судлари, Тошкент шаҳри фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой, Мирзо Улугбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларо судларида самарали қўлланилаётганли-

Реклама

Universalbank

Новые возможности
пластиковых карточек для
пенсионеров.

Имея пластиковую карту, обслуживающую пенсионеров в ЧАКБ "Универсалбанк" Вы получаете следующие преимущества:

1. На онлайн пластиковую карту обслуживающую пенсионеров 5-7 числа календарного месяца будет осуществляться начисление пенсии;
2. Для пластиковых карт обслуживающих пенсионеров, каждого 20 числа календарного месяца банк начисляет на остаток счета 9% годовых;
3. Денежные средства поступают на карту автоматически, Вам больше не нужно загружать средства, поступившие на пластиковую карту;
4. По он-лайн карте удобно оплачивать покупки в магазинах, аптеках, лечение в поликлиниках, оплата коммунальных услуг и многое другое;
5. При необходимости Вы можете снять свои денежные средства в банке, в наличной форме.

На сегодняшний день специально разработано для держателей онлайн карт мобильное приложение UZCARD. Возможности приложения:

- Оплата мобильной связи;
- Оплата коммунальных услуг;
- Оплата за цифровое телевидение;
- Оплата за интернет-услуги;
- Оплата за услуги страховых компаний.

Данный сервис дает возможность следить за оборотом средств онлайн карточки в режиме реального времени.

Пример расчета начисления 9% на остаток счета: 1 000 000 сум * 9% годовых = 1 090 000 сум

Ташкентский филиал ЧАКБ Universalbank

Адрес: 7000060, Узбекистан,
г.Ташкент, ул. Амира Темура 53

Тел.: 0371 150 39 90 Факс: 0371 215 61 20

E-mail: info.t@universalbank.uz

Услуги лицензированы

Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деганларидек, халқимизнинг ўтмиши, буюк аждодларимизнинг дунё таъриқига қўшган улкан ва оламшумул ҳиссаси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари хусусида кенг халқ оmmasи, айниқса, навқирон авлод вакилларига тўлиқ маълумот беришда музейларнинг ўрни ва роли беқиёс. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз ва асло кам бўлмаймиз!” шiori остида бой тарихимизни, улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижодий меросини чуқур ўрганиш, унутилган маънавий қадриятларни қайта тиклаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди, турли соҳаларга оид ўнлаб музейлар ташкил қилинди.

ЎТМИШ ВА БУГУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятимизда барпо этилган тарихий ўлкашунослик музейи ана шундай зиё масканларидан бирidir. Айни пайтда музейимиздаги 8 та, яъни, мустақиллик, табиат, археология, тарих, этнография, қишлоқ хўжалиги, халқ амалий санъати ва sanoat бўлиmlарида 5238 та ноёб экспонатлар сақланмоқда. Улар республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган кўргазма, экспозиция ва тадбирларда муносиб тарзда намойиш этилиб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлган. Таъкидлаш жоизки, вилоятимиз ёш ва навқирон бўлса-да, ўзига хос қадим тарихи, ноёб ва турфа табиат олами, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ҳамда амалий салоҳияти, ерости ва ерусти қазилма бойликлари сероблиги билан ажралиб туради. Музейимизда бўлган томошабин Зарафшон дарёси воқeси, Қизилкум яйловлари, Октоғ ва Қоратўғ кенгликларининг ёввойи табиати, ушбу худудларда аҳил-иноқ яшаган ва яшаётган ўзбек, тожик, қozoқ, қорақалпоқ, рус, корейс ва бошқа миллат вакиллари урф-одат ва анъаналарга бой турмуш тарзи, миллий либослари, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликда қўлланиладиган иш қуроллари, уй-ўзғор буюмлари, қozoқ ўтовлари, қорақалпоқ кигизлари, Нурота каштачилиги намуналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Жарақудуқ тош ўрмон дараси, очик осмон остидаги музей номини олган Сармишсой табиий археологик музей қуриқхонасининг минглаб петроглиф (ибтидоий қоятош сурат)лари, Айдарқўл, Тўдақўл, Шур-

қўл сингари йирик сув манбалари, Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро канали атрофи фауна ва флорасини музейдаги фотосуратларда томоша қилиш эса янада завқироқдир. Соҳибқирон Амир Темурашараси даври тарихига оид меъморий-маданий ёдгорликлари, Чилустун, Катта гўмбаз, Нур қалъаси ҳам томошабинларда бир олам ҳайрат уйғотади. Шунингдек, 111 миңг квадрат километрли майдонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, Менделеев даврий жадалидидаги барча унсурларни ўзида мужассам этган худудни ялпи ўзлаштириш, айниқса мустақиллик йилларида ривож топган кимё, электр энергетикаси, қончилик, қурилиш, енгил sanoat, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш sanoati тармоқларига оид маълумотлар экспозициямиздан алоҳида ўрин эгаллаган. Қолаверса, дунёдаги энг соф олтин ишлаб чиқарувчи Навоий кон-металлургия комбинати давлат қорхонаси, қурилиш ва кимё хомашёси ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Қизилкумцемент”, “Навоийазот” ва “Электромехзаводи” қўшма қорхоналари, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акционерлик жамияти фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспозицияларимиз ҳам мазмундорлиги билан ажралиб туради. Фарбу Шарқни бирлаштирган самовий “Буюк ипак йўли” – Навоий аэропорти негизда ташкил этилган халқаро интермодал логистика маркази орқали дунёнинг турли мамлакатларига юк ташишининг йўлга қўйилганлиги, бу борада “Ўзбекистон ҳаво

йўллари” ва “Корейан Эйр” авиакомпаниялари уртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилганлиги мустақиллик шарофатидандир. Зарафшон воҳасининг табиий бойликларидан унумли фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Навоий эркин иқтисодий-индустриал зонасида Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон ва бошқа етакчи хорижий ҳамкор давлатлар иштирокида олиб бoриладиган кенг қўламли яратувчилик ишлари она-юртимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг буюк келажagini бунёд этишга хизмат қилмоқда. Музейлар – тарих кўзгуси. Ўзбекистонимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида томошабинларга кенг маълумот беришда уларнинг ўрни беқиёс. Бу эса музей ходимларидан алоҳида масъулият талаб этади. Зеро, уларнинг касб малакасини ошириш, чет тилларини ўрганишини рағбатлантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бирidir. Чунки бизнинг соҳада тилни ва муомалани билмаган одам кўзлаган мақсадида эришолмайди. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, фаолиятимизни Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид ҳуқуқат қарорлари асосида ташкил этиб, томошабинларга сидқидилдан хизмат кўрсатиш, уларнинг маданий-маърифий дунёқарашини бойитиш йўлида хизмат қилиш асосий мақсадларимиздан бирidir. **Рамазон ЭГАМОВ,** Навоий вилояти тарихий ўлкашунослик музейи директори, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари

ЭКСПОРТ – БУ ТАШРИФ ҚОҒОЗИДИР

Мамлакатимизнинг дунёвий нуфузини ошириш унинг иқтисодий соҳадаги салоҳияти ва имкониятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган йиллар таърибаси шунини кўрсатадики, кaсрда ташкил бoзорларга чиқиб учун кулай шарт-шaroит яратилган бўлса, ўша ерда англо-американ ташаббуслар канот ёзади, товар ва хизматлар савдоси қўшимча даромад манбаига айланади. Гап экспорт амалиёти ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Бинобарин, бу борада тўпланган таърибаларни ўрганиш ва кенг омалаштириш жамият тараққиёти, келажаги манфаатлари учун катта аҳамиятга эгадир. Фикримиз исботи учун Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан амалга оширилётган хайри ишларга бирров назар ташлаёлик. Сирасини айтганда, жамғарманинг хизмат доираси анча кенг. Ташки бoзорларни ўрганиш, турли кўргазмаларда тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокчини таъминлаш, халқаро сертификат олиш ва божхона хўжалигининг расмийлаштиришда яқиндан қўмаклашиш, экспорт шартномалари тузиш ҳамда уларни электрон маълумотлар базасига киритиш ана шулар жумласидандир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1428 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташки бoзорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилди. 41 та янги қорхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Шунингдек, жамғарма қўмаги билан 3 та янги хорижий бoзoрда 12 хилдаги кенг истеъмол маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилди. Кейинги йилларда нафақат юртимиз, балки чет давлатларда ташкил этилаётган халқаро кўргазмаларда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирокчини таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу, албатта, қўтилган самараларни берапти. Хусусан, йилнинг ўтган даври мобайнида 110 та тадбиркорлик субъектига Европа, Осиё давлатларида ташкил этилган 4 та халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этиш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу тадбирлар доирасида 57,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги экспорт шартномалари имзоланди. Энг муҳими,

хизмат қўлами кун сайин, ой сайин кенгаймоқда. Жумладан, Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган “Яшил ҳафта – 2016” халқаро кўргазмасида жамғарма 58 та тадбиркорлик субъектининг 102 турдаги маҳсулоти билан иштирок этиб, 9 млн. доллар миқдоридagi экспорт шартномаларини тузишга эришди. Ҳозиргача шундан 8,5 млн. долларлик экспорт операциялари амалга оширилган. Кези келганда яна бир ҳаётий далилни алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Жорий йил январь ойида Франция пойтахти – Париж шаҳрида “Who’s Next – Pret-a-Porter Paris 2016” тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилган эди. Кўргазмага мамлакатимизда фаолият юритаётган 231 та тадбиркорлик субъектининг тижорат таклифлари тақдим қилинди, махсус каталог ва буклетлар тарқатилди, хорижий ҳамкорлар билан амалий мулоқотлар ўтказилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 10,8 млн. доллар ҳажмидаги битимлар имзоланди. Шу асосда 8,8 млн. долларлик экспорт операциялари амалга оширилди. Жорий йил май ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб “Aumod-2016” халқаро чарм-поябзал маҳсулотлари кўргазмаси ҳам жамғарма диққат-эътиборидан четда қолгани йўқ. Унда 10 та тадбиркорлик субъекти билан бирга “Ўзбекчармпоябзали” уюшмаси таркибига кирувчи қорхоналарнинг иштироки имтиёз равишида таъминланди ва натижада 24 млн. АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномалари имзоланди. Кейинги йилларда хорижий ишбилармонларнинг юртимизга кизиклиши ортиб бораётганлиги сир эмас. Улар, айниқса, саховатли ўзбек замонида етиштирилган турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортни буйича икки томонлама манфаатли таклифларни илгари суришмоқда. Мана, бир мисол, жорий йил февраль ойида Россия, Қозоғистон, Латвия ва бошқа давлатларнинг халқаро ташкилотлари, йирик савдо мажмуалари Европа, Осиё давлатларида ташкил этилган 4 та халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этиш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу тадбирлар доирасида 57,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги экспорт шартномалари имзоланди. Энг муҳими,

ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида жамғарма филиаллари ташкил этилган бўлиб, улар ўз ҳаракат дастури ва аниқ фаолият йўналишига эгадир. Жумладан, жамғарманинг биргина Наманган вилоят филиали томонидан йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 76 та тадбиркорлик субъектига товар ва хизматларини ташки бoзорларга чиқаришда ташкилий, ҳуқуқий ҳамда молиявий хизматлар кўрсатилган. Натижада Россия, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига 14,5 млн. доллар ҳажмидаги тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Ташки бoзорларни ўрганиш, ишончли ҳамкорлар топиш, халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда иштирок этиш, хорижий давлатларнинг қонунчилиги асосида тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олишда тадбиркорларга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, жумладан экспортга қўмаклашувчи инструментлар тури ва ҳажмининг ортиб бораётгани биз тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшитгани очмоқда, дейди, - дейди Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги “Азия Агрофрукт” МЧК раҳбари Хусанжон Ғиёсов. – Жамғарма томонидан қорхонамизга экспорт олди харажатларимизни молиялаштириш учун ажратилган 200 млн. сўм миқдоридagi фондсиз қарз экспортимиз салмоғини ошириш учун муҳим омил бўлмоқда. Шу йил 24-25 февраль кунлари бўлиб ўтган “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти ва логистика масалалари”га бағишланган халқаро форумда Наманган вилоятидagi 30 дан ортиқ фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмалар вакиллари орасида таъминланди, тадбир доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича 14,8 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги келишув битимлари имзоланди. Зеро, сифатли маҳсулот – бу ҳар бир қорхонанинг, керак бўлса, ўша юртининг ўзига хос ташриф қоғози, обуру-этибори, демакдир. Унинг харидори ҳар доим ва ҳар жойда топилади. Бинобарин, таклиф этилаётган товар ва хизматлар сифати учун тўла масъул эканлигимизни асло унутмайлик.

Ўз мухбиримиз

Хизматлар лицензияланган



“Муборак газни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш ҳамда тезкор ахборот тарқатишдек эзгу ишга бел боғлаган соҳа вакиллари

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан самимий табриклади.

Ниятимиз, сизнинг адолат ва холислик мезонига асосланган фидойи меҳнатингиз ҳамisha эзгуликка хизмат қилсин!
Байрамингиз муборак бўлсин!

Хизматлар лицензияланган



КАРМАНА ДЕҲҚОН БОЗОРИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

27 июнь – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, амалга оширилаётган туб янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятини миллионлар онгига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

Шундай экан, миллий матбуотимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган барча журналистларни касб байрами билан самимий қутлаб, уларнинг келгуси ишларида омад тилаймиз!




Хизматлар лицензияланган

Шомирза ТУРДИМОВ,
фольклоршунос олим

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

– Зиёлилар оқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақиб, костюм-шимда юриш билан белгиланмайди. Зиёлилар аввало, кишининг сийратига, феъллига, воқеликка муносабатида намоён бўлади. Халқнинг "қонида бор" деб баҳолаши бежиз эмас. Зиёлилик ҳам суяқ суради. Зиёли қатлами бўлмаган халқнинг келажаги йўқ. Шу сабабли ҳар қандай босқинчи ўз сиёсатини юрғаздиришга, имкони келмаса қатагон қилишга уринган. Собиқ шўро давридаги бу хил "ўроқ солиш"ларни эслаш кифоя. Зиёли – халқнинг руҳидаги шижоатни, ҳар бир соҳада масъуллик ҳиссини уйғотиб, уни ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Устоз Тўра Мирзаевнинг академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақида айтган ушбу хотираси ибратли: "Утган асрнинг 60-йиллари аспирантурага имтиҳонларни топшириб, академия кадрлар бўлимининг бошлиғи Мириной Файзиевнинг олдига кирдим. Мен тик турибман, у киши қозғаларни кўрапти. Шу пайт эшик туйқус очилиб бир киши кўринди. Мириной, дўппиллар қайтиб кетмасин, чамадонларни ўзинг биласан", деди-да, эшикни ёпди. Мен ҳайрон қолдим. "Бу киши ким?" деб сўрадим. Файзиев "Танимайсизми, академиянинг президенти Ҳабиб Абдуллаев-ку!" дея жавоб берди. Орадан маълум муддат ўтиб, мен аспирантурага қабул қилинганим хабарини олдим". Иброҳим Мўминов, Восил Қобулов, Шукр Бурхон, Ҳоди Зариф каби юзлаб, минглаб зиё-

лиларнинг хизмати эвазига халқимизнинг XX асрдаги фани, санъати бугунги авлодларга муносиб мерос бўлиб етиб келди. Мустақиллик авлодлари уни юксак мақомида ривожлантиришга масъулдирлар. Ҳозирги шарт-шароит аждодлар яшаган замондан тубдан фарқ қилади.

Мусо алайҳиссалом қўликини кўрмаган икки авлод вояга етиши учун қавмини қирқ йил чўлда олиб юргани бежиз эмас. Халқимиз мустақил бўлганидан бери бир авлод вакиллари етишиб чиқди, иккинчи бўгин дунёга келмоқда. Ҳозирги глобаллашув даврида қирқ йилни кутиб ўтириш шарт эмас. Бугунги тамаддунинг жиловини тутиб илгарилатган мамлакатлар тажрибасини ибтидодан бошлаб, яшаб ўтиш – вақт ва имкониятни совуришидир, ибтидои уларнинг интиҳосидан

ривожлантириш йўлини тутиш лозим. Бу ўринда аввало феъллимиз, тафаккуримизга ўрнашган боқимандалик, мутелик ва бефарқлик иллатларидан қутулиш керак. Ҳосиласи қўлиққа маҳкум бу иллатларнинг кўринмас занжири ҳар қандай бунёдкорликка тушов, инсон руҳини мунаввар этувчи нурни сундирувчи, зиёлилар қатламини ўлдирувчи офатдир!

Иқтидорсиз одам бўлмайди. Яратган ҳар бир банд имконига бошқаларникидан кам бўлмаган қувват захирасини берган. Фақат бу иқтидорни, қувватни ўз ўрнида илғаб юзага чиқишига илҳомлантирувчи, унга куч ва шароит тугдирувчи яхлит тизим керак. Ҳар қандай яратилган тизим фидойи зиёлиларсиз қуруқ шаклга айланади. Жамиятда зиёлининг ўрни ана шу нуктада билинади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини бутун жамият тақдирига масъул, деб билиши керак. Ҳабиб Абдуллаевнинг кадрлар бошлиғига айтган сўзи жамиятдаги адолатсизликка қарши исён учқунни эди. У имкониятнинг ҳаммага тенг берилмай, камситилаётган миллатини ҳимоя қилишга ўзини масъул деб билганидан шу йўлни тутди. Ҳуқумрон тузум соқчиларининг тазйиқидан чўчиб, курсининг ортига бекиниб олмади. Бу чинакам зиёлининг қиёфасидир.

"Тафаккур" журнали (2015) дан олинди.

РИОЯ ЯНА 4 ТА
ЙЎЛЛАМА

12-13 июнь кунлари Душанбе шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионатида бир йўла тўрт нафар спортчимиз "Рио-2016" Олимпия ўйинларининг йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажариб, тўрт йилликнинг энг йирик спорт байрамида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Навбатдаги йўлланмаларга Екатерина Тунгусова, Наталья Асанова, Иван Зайцев ва Юлия Тарасова сазовор бўлишди. Екатерина Тунгусова 10000 метр масофага югуриш мусобақасида, Наталья Асанова 400 метр масофага тўсиқлар оша югуришда, Иван Зайцев эса найза улоқтиришда йўлланмага эга чиқди. Яна бир атлетимиз Юлия Тарасова узунликка сакраш мусобақасида 6 м. 72 см. (меъёр 6 м. 70 см) натижани қайд этди.

СПОРТ
ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАЗҚВОНДОЧЛАРИМИЗ ТЕНГСИЗ

Азиз Ҳасанов бошчилигидаги Ўзбекистон тазқвондо ИТФ терма жамоаси Италияда ўтказилган WASCО йўналишидаги 10-Жаҳон чемпионатида иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 32 давлатидан 600 нафардан зиёд спортчилар медаллар учун даянга чиқишди. Ёшлар, катталар ҳамда фахрийларимиз жами 22 та олтин, 16 та кумуш, 34 та бронза медалини қўлга киритди.

ҚУДРАТИЛЛОНИНГ "ҚУДРАТИ"

Сингапурдаги профессионал бокс кечасида ҳамюртимиз Қудратилло Абдуқаҳҳоров еттинчи галабасини нишонлади. 22 ёшли боксчимизнинг бу галги рақиб-сингапур миллий рейтингига биринчи ўринда турган Ларри Сиву бўлди. Кескин ва муросасиз ўтган учрашувнинг ҳар бир раундида ўзбек боксчиси устунлигини намойиш этди ва ҳакамлар бир овоздан галабани Қудратилло Абдуқаҳҳоровга беришди.

Маъруф РАҲМОНОВ тайёрлади.

Тадбиркорга мададқормиз!

Фаолиятини истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаган "Сирдарё синав ва сертификатлаштириш маркази" Давлат қорхонаси ўз таркибига бугунги кунда махсулотларни сертификатлаштириш идораси, Давлат метрологик назорати бўлими, аккредитланган синав мажмуаси ва сифат тизимларини жорий этиш бўлимларини бириктирган. Марказда:

- аккредитация доирасига асосан махсулотларни сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзолаган битимларига асосан хорижий давлатлар мувофиқлик сертификатларини таъин олиш;
- сертификатлаштирилган махсулот устидан инспекция назоратини ўтказиш;
- махсулотни хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш;
- сертификатлаштириш ва даврий синавлар ўтказиш.

Метрология соҳасида:

- оғирлик, иссиқлик-техника, геометрик,

- вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибрлаш;
- ўлчов воситалари ва синав ускуналарини метрологик аттестациядан ўтказиш;
- консалтинг хизматлар кўрсатиш.

Сифатни бошқариш тизимлари мувофиқлигини таъкидлаш соҳасида:

- қорхоналарда ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 Халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий этиш ҳамда ходимларга ўқув курслари ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларида

ёрдам кўрсатиш. Бундан ташқари агентлик хизматларини кўрсатиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалаларида семинарлар ўтказиш ҳамда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва лабораторияларни аттестацияга тайёрлаш борасида амалий ёрдам кўрсатади.

Бу борда Сизларга қўл йиллик тажриба ҳамда юқори малакага эга бўлган мутахассисларимиз соҳага оид қабул қилинган қонуний меъёрий ҳужжатларга мувофиқ иш юритган ҳолда ташкилотлар фаолиятдан келиб чиқиб уларга арзон ва тез фурсатларда хизмат кўрсатади.

Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 21 уй. e-mail: sssmdk@mail.ru, sirdaryossmk@extat.uz, sirdaryossm@rsm.uz
Телефонларимиз: (0-367) 225-08-91, факс: 225-43-86 Веб-сайт: www.sirdaryossm.uz
Ишонч телефони: (0-367) 225-16-34

Хизматлар лицензияланган

Хурматли юртдошлар!

"Асака" банк

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қўйдаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|------------------------|-----|------------|---------------------------|-----|------------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
– миқдори чекланмаган!

"Асака" банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Шўртмангазкумё мажмуаси жамоаси



барча юртдошларимизни Ватанимиз ва халқимиз тақдирига дахлдор эзгу ғоя ва истиқболли мақсадларга эришиш йўлида маънан руҳлантираётган матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг жонқуяр ходимларини 27 июнь куни нишонладиган касб байрами муносабати билан самимий қутлайди!

Азизлар, сизларга оилавий хотиржамлик, ижодий баркамоллик ҳар доим ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган

ASR
ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА
НАРТАЛИК НАШР

MUASSIS: TADBIKORLAR VA ISHILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР: Норқобил ЖАЛИЛОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибнат – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi_asr@mail.uz

"XXI ASR" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

"Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 6239 Тираж: 12178

Баҳоиси келишилган нарҳда. Топширилди – 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маъруф Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-477X



Набатчи:
Ш.РАҲМОНОВ